

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил сентябрь ойининг 04 куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья Н.Кимсанов, судья ёрдамчиси А.Ахмедовнинг котиблигида, томонлардан Қўқон шаҳар прокурори ёрдамчиси О.Саидова, судланувчи А.Отажонов, химоячи У.Убайдуллаев, жабрланувчи вояга етмаган А.Акрамов ва унинг қонуний вакили З.Норматовларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан айбланувчи Отажонов Абдуғаффор Фулом ўғлига нисбатан 1-1503-2305/832-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Отажонов Абдуғаффор Фулом ўғли, 2005 йил 20 май куни Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, уйланмаган, депутат эмас, давлат мукофотлари олмаган, ҳарбий хизматга мажбур, муқаддам судланмаган, ёлланма ишчи, Қўқон шаҳар, А.Навоий мавзеси 104-уй 37-хонадонда яшайди, 12.008.2023 йил кунидан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилҳат” эҳтиёт чораси қўлланган айблов далолатномаси нусхасини 22.08.2023 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, жиноят иши бўйича жабрланувчини ярашиш тўғрисидаги аризасини, иш материаллари билан бирга кўриб чиқиб, айбланувчи ва жабрланувчининг содир этилган жиноят ҳолатлари юзасидан кўрсатувини ва томонларни фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Отажонов 2023 йил 28 июнь куни соат 23:30 ларда Қўқон шаҳар, Шохрухобод кўчасида жойлашган “Айва Бургер” номли кафе яқинида кафеда ишловчи вояга етмаган А.Акрамов билан ўзаро гап-талашиб жанжаллашиб, жанжал вақтида вояга етмаган А.Акрамовни юз қисмига қўли билан бир марта муштраб уриб юбориб, унга тан жароҳати етказган.

Экспертизасининг 05.07.2023 йилдаги 4420-сонли экспертиза хулосасига кўра, вояга етмаган А.Акрамовнинг олган тан жароҳатлари соғлиғининг йигирма бир кундан ортиқ бўлган муддатга бузилишига олиб келувчи ўрта оғир тан жароҳатлари тоифасига кириши кўрсатилган.

Судланувчи А.Отажонов судда, у 2023 йил 28 июнь куни соат 23:30 ларда Қўқон шаҳар, Шохрухобод кўчасида жойлашган “Айва Бургер” номли кафе яқинида кафеда ишловчи вояга етмаган А.Акрамов билан ўзаро гап талашиб жанжаллашиб кетишгани, жанжал давомида у вояга етмаган А.Акрамовни юз соҳаси ва жағ қисмига қўли билан уриб юборгани, ҳозирда жабрланувчига етказилган зарар қоплангани, айбига тўлиқ иқроп экани, қилмишидан



пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчи вояга етмаган А.Акрамов ва унинг қонуний вакили З.Норматов билан бирон-бир тайзиксиз ярашиб олишгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўради.

Жабрланувчи А.Акрамовдан қонуний вакили З.Норматов иштирокида судда сўралганда, Қўқон шаҳар, Шохрухобод кўчасида жойлашган “Айва Бургер” номли кафедра ишлашини, харидор сифатида келган А.Отажонов билан 2023 йил 28 июнь куни соат 23:30 ларда тушунмовчилик сабабли жанжаллашиб кетишгани, жанжал давомида А.Отажонов уни юз соҳаси ва жағ қисмига қўли билан уриб унга тан жароҳати етказгани, ҳозирда етказилган зарар А.Отажонов томонидан тўлиқ қоплаб берилгани, А.Отажонов қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, бир-неча маротаба вояга етмаган ундан ва қонуний вакилидан кечирим сўрагани, А.Отажоновга нисбатан даъвоси йўқлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув билан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи вояга етмаган А.Акрамовнинг қонуний вакили З.Норматов ва судланувчи А.Отажоновларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Қўқон шаҳар прокурори ёрдамчиси О.Саидованинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи А.Отажоновнинг айбига иқрорлиги, муқаддам судланмаганлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва айбланувчиларга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув айбланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖК 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, А.Отажоновга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Шу билан бирга, суд, жабрланувчи вояга етмаган А.Акрамов ва унинг қонуний вакили З.Норматовга Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 583-моддасининг 5-қисмига асосан, ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан айбланувчи Отажонов Абдуғаффор Ғулум ўғли жабрланувчи вояга етмаган



Акрамов Абдужалолхон Зоҳид ўғли билан ярашганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод қилинсин ва жиний иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилсин ва А.Отажонов 66¹-моддаси билан жавобгарликдан озод қилинсин.

Жабрланувчи вояга етмаган Қўшмақов Айюбхон Алишер ўғлига етказилган зарар тўлиқ қоплангани инобатга олинсин ва унга Ўзбекистон Республикаси Жиний-процессуал кодекси 583-модда талаблари, яъни мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишлари тушунтирилсин.

Айбланувчи Отажонов Абдуғаффор Ғулом ўғлига нисбатан қўлланилган муносиб ҳуқ-атворда бўлиш ҳақида “тилҳат” эҳтиёт чораси, ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма сутка ичида, шу суд орқали Фарғона вилоят судига хусусий тартибда шикоят ёки хусусий протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи судья:

Н.Кимсанов

